

# O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 0103-6370

№8. 2008



Истиқлол  
фарзандлари



# **O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI**

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабон  
журнал

## **МУАССИС:**

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги

## **Бош муҳаррир:**

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

## **Таҳрир ҳайъати:**

Сайфиддин ИСМОИЛОВ

Шерали НУРМАТОВ

Гофур АЛИЕВ

Туланбой КАРИМОВ

Абдували АБДУАЗИЗОВ

Раҳимберди БЎРИЕВ

Фуломжон ИБРАГИМОВ

Фарҳод ОМОНОВ

Акрам ОРИПОВ

Ўқтамхон ХОЛДОРОВА

(бош муҳаррир ўринбосари)

Эркин ҚУДРАТОВ

Шамсиддин ЭСОНБОВ

**2008 йил,  
№ 8. Август**

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

**ОБУНА ИНДЕКСИ:**  
якка обуначилар учун — 894  
ташкilotлар учун — 895

# **МУНДАРИЖА**

## **МАВСУМИЙ ЮМУШЛАР**

Ютуқлар кўп, юмушлар ҳам.....	1
Ш.ТЕШАЕВ, Ф.ҲАСАНОВА, Б.НИЁЗАЛИЕВ. Август — ҳал қилувчи ой.....	2
Р.СИДДИҚОВ. Келгуси ҳосилга ҳозирлик.....	3
Б.АЗИМОВ, А.АББОСОВ, Х.АСКАРАЛИЕВ. Боғларда бол тўпланди.....	4
М.МИРЗАЕВ, Ф.ҚИРҒИЗБОВ. Дастурхон сабзавот билан тўкин.....	5
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОРАХОНОВ. Озуқабон экинларни экиш.....	7
М.ЮСУПОВ. Куйдирги — хавfli касаллик.....	8
Д.АЗИМОВ. Бройлер жўжаларни озиклантириш.....	9

## **ДЕХҚОНЧИЛИК**

М.АКМАЛОВА. Томчилатиб суғориш — кулай ва тежамкор.....	10
А.РАҲИМҚУЛОВ. Баҳмалнинг баракали одимлари.....	11
Х.ЭРҒАШЕВ. Тилга тушган маҳсулотлар.....	12
Ҳ.ХОЛДОРОВА. Электрон рақамли хариталар.....	13
Э.ҲАЙИТБОВ. Сўзи билан иши бир.....	14
Б.АЙТЖАНОВ. Шўрланган ерларда коллекцион намуналардан олинган дурагайларнинг тезпишарлиги.....	15
Г.МИРШАРИПОВА. Нўхат донининг кимёвий таркибига экиш муддатининг таъсири.....	16
Н.РАВШАНОВА. Мош ва ловия истиқболли экинлар.....	17

## **ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ**

А.САЪДУЛЛАЕВ, М.ТОИРОВ, М.АРСЛАНОВ. Боғларда трихограммалар ҳаётчанлиги ва пуштдорлиги.....	18
М.ЮСУПОВА. Дефолиантлар кўсак қурти кушандаси.....	19

## **ИРРИГАЦИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ**

З.ХОШИМОВ, Н.ИКРОМОВА, А.ИСЛАМОВ, Н.РАДЖАБОВ. Орол минтикаси экологияси.....	19
А.АБИРОВ. Зовур-дренаж тармоқларини ишчи ҳолатда сақлаш.....	21
Г.ЮЛДАШЕВ, С.ЗОКИРОВА, М.ИСАГАЛИЕВ. Орошаемый земельный фонд Ферганской долины.....	22

## **МЕХАНИЗАЦИЯ**

А.ХУДОЁРОВ, М.МАМАДАЛИЕВ. Чуқур юмшатикич иш органлари такқослов синовлари.....	23
С.САИДХОДЖАЕВ, Н.САИДХОДЖАЕВА, Б.АБДУРАҲМОНОВ. Энергия сарфламайдиган сув кўтарувчи қурилмалар.....	24

## **ИҚТИСОДИЁТ**

Н.САНАЕВ, З.МИРЗАЕВ. Сабзавот етиштиришни ташкил қилиш.....	25
И.САЛАМОВ, О.ФАЙЗИЕВ, С.ҲАМРОЕВ. Экспортни рағбатлантириш: муаммо ва таклифлар.....	26
А.КАРИМОВ. Аутсорсинг кичик бизнесга қандай хизмат кўрсатади?.....	27
И.ОЧИЛОВ. Сервис — тараққиёт омили.....	28
Б.АЗИЗКУЛОВ. Илғор технологиялар самарадорлигини баҳолаш.....	29
Б.МЕНГЛИКУЛОВ. Режалаштириш тамойиллари.....	30
И.ЖУМАЕВ, И.АХМЕТОВ. Деҳқончиликда лизингнинг ўрни.....	31
Б.САФАРОВ. Хизмат кўрсатишни ривожлантириш.....	32
К.РИЗАЕВА. Хорижий инвестиция тадбиркорга имкониятдир.....	33
Н.ХУШМАТОВ, Т.ФАЙЗУЛЛАЕВА, Г.РАҲИМОВА. Чорвачилик: иқтисодий масалалар ёки жаҳон тажрибаси.....	34

## **ТУРФА МАВЗУ**

Л.АХМЕТОВА. Обработка магнитным полем.....	36
ДЕХҚОНБОВО. Сумбула.....	37
Ғ.САМАТОВ. Муҳим қўлланма.....	37
М.НАБИЕВ. Узум — қуёш нёъмати.....	38
Ф.ОРИПОВ. Сканворд.....	39

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилими: Тошкент, 128,  
Кох ота кўчаси, 75-уй.  
Телефон: 240-57-10.  
Факс: 240-57-17, e-mail:  
uzqx\_jurnal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босишга рухсат этилди: 2008 й.  
Август. Қоғоз бичими 60x84 1/8.  
Оффсет усулида чоп этилди. Шартли  
босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи  
5,0. Буюртма №13.  
Нусхаси 3300 дон.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа  
бўлимида чоп этилди.  
Корхона манзили: 100128,  
Тошкент, Кох ота, 75-уй.

Дизайнер И.ЎСАРОВ



# НЎХАТ донининг кимёвий таркибига экиш муддатининг таъсири

**Нўхат мамлакатимизда қадимдан экиб келинаётган ўсимликлардан бири ҳисобланади. Дони қимматбаҳо озиқ-овқатлик хусусиятларига эга. Таркибида азотсиз экстрактив моддалар кўп, 19—30% оксил, 4—7% гача мой бор (Х.Н. Атабаева, 2000). Донининг муртагидан ажратиб олинган мойини Абу Али ибн Сино даволаш ишларида фойдаланишни тавсия этган (И.Эрназаров, А.Холлиев 1995). Донидан олинган сут тўйимлилиги ва шифобахшлиги бўйича сигир ва соя ўсимлиги сути билан тенг. Мойи ярим қурийдиган кислоталардан ташкил топганлиги туфайли липидлар ҳосил бўлишини камайтиради (В.Н.Аникеева, Л.В.Антипова 2005).**

Ўсимликнинг қурғоқчиликка ва совуққа чидамлилиги уни кўпроқ даламикор ерларда парвариш қилишга асос бўлди. Ҳозирги кунда нўхат Ҳиндистон, Италия, Болгария, МДХ, Осиё ва бошқа давлатларда 12 млн гектар майдонда етиштирилмоқда (Бондар Г.В., Лавриненко Г.Т. 1977, Балашова Н.Н. 2003).

Нўхат тупроқ табиий унумдорлигини ошириш билан бирга сифатли оксилга бой маҳсулот манбаи ҳамдир.

Таркибининг ўзгарувчан бўлиши генотип ва муҳитнинг ўзаро таъсири билан амалга ошади. Нўхат навларининг маълум бир ҳудуд шароитида юқори кўрсаткичга эга бўлиши навнинг айнан ушбу муҳит шароитидан самарали фойдаланилганлигидан нишондир (Милов В.М. 1952).

Ташқи омиллар (тупроқ унумдорлиги, сув ва озиқ режим, экиш муддати) нафақат ҳосилдорликка балки доннинг кимёвий таркибига ҳам бевосита таъсир этади. К.Э.Эшмирзаев (1996)нинг маълумотлари бўйича нўхат таркибидаги оксил миқдори нав ва етиштириш шароитига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Намлик кўп бўлиши оксилнинг камайишига, ҳарорат юқори бўлиши эса оксилнинг кўпайишига олиб келар экан.

Шўрланишга мойил тупроқ шароитида нўхат навларидан сифатли маҳсулот олиш Сирдарё вилояти шароитида тўлиқ ўрганилмаган. Шу мақсадда нўхатнинг 110 та коллекцион нав намуналари 2004—2007 йиллари Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг Сирдарё вилояти филиали тажриба майдонида ўрганилди. Мазкур филиал Боёвут тумани 1—Боёвут ДФХУда жойлашган бўлиб, тупроғи бўз ўтлоқи тупроқлардан иборат. Механик таркибига кўра енгил қумоқли, солиштирама ғирлиги 1,2—1,3 г/см<sup>3</sup> бўлиб, умумий ғоваклик 49—50% ни ташкил этади. Тупроқнинг сингдириш сифмининг катталиги 7,49—7,58 мг/экв бўлиб, кальций ва магний йиғиндиси устунлик қилади. Тупроқ асосий озиқ элементлар билан кам таъмин-

ланганлиги сабабли қўшимча минерал ўғитлар бериш талаб этилади.

Коллекцион нав намуналаридан танлаб олинган 4 та нўхат нав намуналари ва назорат Ўзбекистон—32 нави 2 хил муддатда — баҳор ва кузда, 48 м<sup>2</sup> ли майдончада 4 қайтариқда, 60х10х1, 60х15х1, 60х20х1 экиш тизимида ўрганилди.

Нўхат нав намуналари бугдойдан бўшаган ерларга экилди. Ҳайдашдан олдин ерга 1,5 ц/га аммофос солинди ва вегетация даврида бир марта суғорилди.

Нўхат дони таркиби «Ўздонмаҳсулот» АКнинг илмий марказида таҳлил қилинди. Олинган натижалар экиш муддатини нўхат донининг кимёвий таркибига таъсир этганлигини кўрсатди.

Дон таркибидаги оксил миқдори нафақат экиш муддати, балки навларнинг биологик хусусиятига ҳам боғлиқ ҳолда ўзгарди. Ўзбекистон—32 нави баҳорда экилганда оксил миқдори 20,28%, FLIP 98—152с 24,28%, FLIP 98—183с 19,90% ташкил этди. Навлар ўртасида оксил миқдорининг ўзгарувчан бўлиши нўхат навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ эканлигидан далолат бермоқда. Бундай ҳолатда нўхатнинг FLIP 98—152с коллекцион нав намунасида назоратга нисбатан 4,0% кўп оксил берганлиги, яъни генотип ва муҳитнинг ижобий мос келганлигидан нишондир. Мой, азотсиз экстрактив моддалар ва умумий энергетик қувват каби кўрсаткичлар бўйича ҳам навлар ўртасида фарқ борлиги қайд этилди.

Баҳорда экилган ҳолатда нўхат дони таркибида оксил миқдори Ўзбекистон—32 навида 20,28%, кузда экилганда эса 17,66%, FLIP 98—152с нав намунасида баҳорда 24,28%, кузда 21,69% ва FLIP 98—183с нав намунасида эса баҳорда 19,90%, кузда 19,43% га тегишли равишда ўзгарганлиги кузатилди.

Ушбу маълумотлар баҳорда экилган муддатларда оксил миқдорининг кўп бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Аксинча кузги муддатда экилганда дон таркибидаги мой миқдори юқори бўлиши қайд этилди.

Умуман, нўхатни коллекцион намуналарини шўрланишга мойил бўлган тупроқ шароитида ўрганиш натижасида сифатли ва юқори ҳосил бериш имкониятига эга бўлганлари танлаб олинди.

Ушбу навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш Сирдарё вилояти шароитида қўшимча ва оксилга бой ҳосил олиш имконини беради.

Г.МИРШАРИПОВА  
(ТулДУ)